



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 31 октябрь, № 213 (5887)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Нурудинов Руслан Шамильевич — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Алимов Улғубек Абдумажитович — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 30 октябрь

АНЖУМАН

Тошкентда Ички ишлар вазирлиги томонидан Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига қўмаклашиш» лойиҳаси ҳамкорлигида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 65 йиллиги муносабати билан «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси — ички ишлар органлари фаолиятининг муҳим йўналиши: миллий ва халқаро тажриба» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Унда парламент аъзолари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, вазирликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилот ва жамғармалар вакиллари, Буюк Британия, Франция, Германия, Шимол-Ирландия давлатларидан ташриф буюрган экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаб ўтганидек, юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган меъёрлари ва тамойиллари ҳамда миллий манфаатларимиз, Ўзбекистон халқи менталитети ва аъналарини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича демократик талабларга тўла мос кел-

ладиган мустақам қонунчилик базаси яратилди. Бунга соҳага оид 15 та кодекс, 900 га яқин қонунлар қабул қилинган, 200 дан ортиқ халқаро шартномалар ратификация қилинган мисолида яққол кўриш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси қўшилган вакиллари, Буюк Британия, Франция, Германия, Шимол-Ирландия давлатларидан ташриф буюрган экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаб ўтганидек, юртимизда халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган меъёрлари ва тамойиллари ҳамда миллий манфаатларимиз, Ўзбекистон халқи менталитети ва аъналарини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича демократик талабларга тўла мос кел-

(Давоми 2-бетда).

АМАЛИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

Президентимиз Ислон Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Президентимизнинг минтақавий ва халқаро масалаларга оид ҳар бир чиқиши жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Уларда билдирилган амалий хулоса ва таклифлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқибатда тинчлик билан тинчликпарвар сиёсат юритиб келаётир. Мамлакатимизда тинчлик ва оқилолликни таъминлашнинг самарали тизими яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Жинойт фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи

сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар юртимизда барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжихатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ўзаро ишонч, тенглик, манфаатдорлик асосига қуради. Бу тамойилларга қатъий содиқлик, дунё миқёсда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, халқаро гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли давлатимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори, нуфузи тобора ошиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР, ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

«Ангрен» МИЗ фаолиятида муҳим ўрин тутди



Бир пайтлар «кончилар шаҳри» дея аталган Ангрен шаҳри мустақиллик шарофати туфайли ҳақиқий саноат марказига айланмоқда. Гап шундаки, бу ерда иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида қурилиш, энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат, ер ости бойликларини қазиб олиш ва мебелсозлик саноати жадал ривожланаётир.



ИСЛОХОТ

Бунда, табиийки, ҳудуднинг жуғрофий ўрни, улкан ер ости ва ер усти бойликларининг билан бўлиши, энг муҳими, бу заминда яшаб, меҳнат қилаётган омиқор инсонларнинг азму шижоати асосий омил бўлмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен» маҳсулоти индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони талабларининг ижроси шаҳардаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамлар турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилаяпти. Мазкур ҳужжат асосида индустриал зонада хорижий ва маҳаллий сармоядорлар томонидан юқори ва замонавий технологияларга асосланган истиқболли инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилгани кутилган самараларни бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда 30 октябрь куни Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ҲУКУМАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, энергетика, хавфсизлик, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, маданият каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Рустам Азимов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга рас-

мий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг жорий йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатилиш тўғрисидаги қўшма декларация асосида изчил тараққий этмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гума-

нитар, энергетика, транспорт ва илмий-технавий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда 3,4 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, мазкур кўрсаткич 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 59 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 455 кўшма корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига ҳозирги даврда энг долзарб масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Мазкур масаланинг ижобий ечими Ер юзюда табиат ва инсон муносабатларининг барқарор ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг дастурий вазифалари қаторида атроф-муҳит муҳофазаси борасида хорижий давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутди.

Атроф-муҳит муҳофазаси — долзарб масала

Шу маънода, 2012 йилнинг апрель ойида Экоҳаракат ва Сингапурнинг Атроф-муҳит масалалари бўйича Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик бўйича Меморандум имзолангани ана шундай саъй-ҳаракатларнинг мантикий давоми бўлди. Мазкур ҳужжатда табиий ресурсларни асраш, улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ бўлган минтақавий ва глобал экологик муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда атроф-муҳит муҳофазасида жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш механизmlарини такомиллаштириш, экологик беқарор ҳудудларда аҳоли саломатлигини яхшилаш, биохилма-хилликни сақлаш, биологик ресурсларни бошқариш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кенгайтириш, экология ва табиёт йўналишидаги ННТ вакиллари, олий ўқув юрталари ўқитувчилари, изланувчилар ва талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидлангани, Ўзбекистон экологик ҳаракати атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минтақавий ва трансгегаравий экологик муаммолар ечимини топишда халқаро ҳамкорликни мустақамлашга эътиборни кучайтирмоқда. Жумладан, 2010 йилда Экоҳаракат ташаббуси билан пойтахтимизда «Урта Осиёнинг трансгегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

(Давоми 3-бетда).

2013 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми

БИР РАҚАМ ШАРҲИ **8,1** фоизга ўсди.

Бунга, аввало, республикамиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш мақсадида саноатни барқарор ривожлантириш ва таркибини диверсификациялаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳамда яхлит йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини яратишга қаратилган ўрта муддатли комплекс дастурларни амалга ошириш ҳисобидан эришилди.

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

“Apple” компанияси (AQSH) томонидан ишлаб чиқарилган “iPhone 5S” русумидаги смартфонларнинг айримларида қўйилган батареяларнинг нуқсонли борлиги аниқланди.

Алмаштириб берилади



Бу ҳақда компания вакили Тереза Брюэ айтиб ўтган. Унинг сўзларига кўра, мазкур туркумдаги баъзи телефонларнинг қуввати йўриқнома-сида кўрсатилган муддатдан камроқ хизмат қилмоқда. Шу боис кимнингдир смартфонда шундай камчилик мавжуд бўлса, “Apple” маъмурияти уни ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз янгисига алмаштириб беришга тайёр.

Ҳозирча айнан қанча телефонда нуқсон борлиги маълум эмас.

“Apple” компанияси бундай муаммага 2006 йилда ҳам дуч келганди. Ушанда Япониянинг “Sony” компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган ноутбукларнинг батареяларида камчилик топилган эди.

Йўлдаги тўқнашув

Хиндистоннинг Андхра-Прадеш штатида йирик йўл транспорти ҳодисаси юз берди.



зин ташийдиган машинага тўқнашиб кетди. Оқибатда жамоат транспортида бўлган 48 нафар йўловчидан қирқ нафари ҳаётдан кўз юмди.

Маҳаллий сайёҳлик компанияларидан бирига тегишли бўлган мазкур автобус қандай қилиб фожиага йўлиққани ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

Бангалор шаҳридан Хайдарабод томон ҳаракатланаётган автобус бен-

Йўқолган асар қасрда

Италиянинг Милан шаҳридаги Сфорца саройидан мусаввир Леонардо да Винчининг йўқолган асарларидан бири топилди, дейилади “ABC” телеканали хабарида.

Унга қасрни таъмирлаш чоғида тасодифан дуч келинган. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, тут да-рахти тасвирланган ушбу расм ўн етти буладан иборат. Уни яхлит асар ҳолига келтириш ишлари 2015 йилнинг май ойига қадар давом этади.

Расом ушбу суратни сарой хоналаридан бирининг деворига чизган.

Хизматда робот-сотувчи

Япониянинг Осака шаҳридаги йирик “Такасима” савдо мажмуасида робот-сотувчи қиз хизмат кўрсата бошлади.



мининг ташқи кўриниши оддий япон қизларидан фарқ қилмайди. У 25-26 ёш атрофидагиларга ўхшаш бўлиб, бўйининг баландлиги 160 сантиметр.

Осака университети профессори Хироси Исигуро бошчилигида яратилган мазкур кашфиёт шу йилнинг 12 ноябрига қадар хизмат кўрсатади. Кейин эса унинг бажарган юмушлари мутахассислар томонидан таҳлил қилиниб, роботни янада такомиллаштириш борасида ишлар давом эттирилади.

Хакерлар ҳужуми

“Adobe Systems” корпорацияси маълумотлар базасига хакерлар томонидан ҳужум уюштирилди.



Натижада кибержиноятчилар мазкур муассасанинг 38 миллион нафар мижозига тегишли турли шахсий ва корпорациянинг “Adobe Acrobat”, “ColdFusion” ва “ColdFusion Builder” каби маҳсулотларига оид яна

кўплаб манбаларни кўлга киритишган. “Adobe Systems” вакили Брэд Аркиннинг айтишича, хакерлар мижозларнинг логин ва паролларини билиб олган. Демак, уларнинг банк карталаридаги сармояларини ўзлаштиришга уриниш кузатилиши мумкин. Шу боис фойдаланувчиларга имкон борича тезроқ логин ва паролларни ўзгартириш тавсия этилди.

Махсус операция ўтказилди

Аргентина ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан мамлакатда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдосига қарши кураш тадбирлари доирасида навбатдаги операция ўтказилди.

Унда жиноий тўдаларга алоқадорликда гумон қилинган бир неча фуқаронинг яшаш, иш жойлари ва уларга тегишли бошқа объектлар кўздан кеңилди. Натижада жами ўн киши — етти нафар Колумбия, бир нафар Перу ва икки нафар Аргентина фуқароси кўлга олинди. Улардан 140 килограммга яқин гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2011 йилнинг декабрида “Экологик хавфсизликни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари: уларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли”га бағишланган

Атроф-муҳит муҳофазаси — долзарб масала

халқроқ давра суҳбати ташкил этилиб, унда Сингапурнинг Атроф-муҳит масалалари бўйича Кенгаши вакиллари фаол қатнашди. Шу йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан ҳамкорликда ташкил қилинган халқаро семинарнинг асосий мавзуси эса “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятининг экологияга ва инсон саломатлигига халокатли таъсирини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар бўлди. Экоҳарақатнинг худудий бўлинмала-

ри ва унинг “Ёшлар қаноти” табиати муҳофаза қилиш, узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш, экологик маданиятни юксалтириш, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга қаратилган тадбирларга аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб қилмоқда.

қаси қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Сингапур ва Ўзбекистон мисолида эко-туризмни ривожлантириш истиқболлари, муқобил энергия тизимини тараққий эттириш ҳамда экологик беқарор худудларда атроф-муҳит ҳолатини

Анжуманда Ўзбекистон ва Сингапурнинг экологик қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини фаоллаштириш бўйича тажрибалари муҳокама этилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг июль-август ойларида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-

яхшиланиш каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, бу борада тибиёт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки, халқроқ доирадаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Семинарда Меморандумда белгиланган вазибаларни бажариш бўйича маълумотлар айирбошлаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш бора-сида ўзаро тажриба алмашиш юзасидан фикрлар билдирилди.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида эндокринология соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, қандли диабет ҳасталигининг олдини олиш чора-тадбирлари бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тибиёт маркази томонидан ташкил қилинди.

ТИББИЁТ

Маълумки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига сифатли тибиёт ёрдам, хусусан, эндокринологик хизмат кўрсатиш борасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда юртимизда қандли диабет билан оғриган беморлар учун 14 та эндокринологик диспансер, 505 та эндокринологик хонаси, шу жумладан, 16 та болалар эндокринологик хонаси фаолият юритмоқда. Улар аҳоли орасида соғлом турмуш тарғиботи, ушбу касалликни ўз вақтида ташхислаш борасида муайян ишларни олиб бора-япти.

— Замонавий тибиётнинг асосий устувор йўналишларидан бири оғир тибиёт ижтимоий касалликлар ва уларнинг олдини олишдир,

— дейди марказ бўлим мудири Моҳира Ойхўжаева. — Қандли диабет давлат ва жамиятга моддий ҳамда маънавий зарар етказиши билан ижтимоий хавфли касалликлар сирасига қиради. Шу боис мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойи “Қандли диабетга қарши курашиш ойлиги” сифатида белгиланади. Мазкур ойликни ўтказишдан мақсад аҳоли ўртасида тибиёт маданиятини ошириш, қандли диабет ва унинг хавфли омиллари ҳақида кенгроқ маълумот беришдир. Шунингдек, ойлик давомида ушбу хасталикнинг олдини олиш бўйича мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

UZBEKISTAN Infrastructure

12-14

noyabr 2013

«O'zbekpomarkaz», Toshkent

<p>Avtomobil, butlovchi qismlar, servis jihozlari</p> <p>9-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi</p>	
<p>Transport va logistika</p> <p>10-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi</p>	
<p>Yo'l qurilishi va kommunal texnika</p> <p>5-O'zbekiston xalqaro ko'rgazmasi</p>	

ITE Uzbekistan

Tel: (+998 71) 113-01-80. Faks: (+998 71) 237-22-72.

E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

facebook.com/ITEUzbekistan.uz

Ufi

«OBIDA RIEL PROFESSIONAL» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Суд департаменти Фарғона вилояти худудий бошқармасининг 2013 йил 26 октябрдаги 01-306/3-сонли хатига ва Жинот ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақсига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Қалчугай» ҚФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, алюминий профил, МДФ эшик-ром ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари. Қурилиш эгаллаган майдон — 4726,27 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 622 633 545 сўм.

Кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Очик аукцион савдоси 2013 йил 4 декабрда кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 2 декабрда кўни соат 18.00 да тўхтатилади.

Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй. Телефон: (8-595) 400-46-37.

Лицензия № RR-0118.

САНОАТ КОРХОНАСИ

4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини

ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.

«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ

қўйидагиларни етказиб беради:

- гўзапон урадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- ўт урадиган комбайн
- урадиган саялка
- макка урадиган комбайн
- дори сепадиган мосламалар
- жўри йиғувчи комбайн
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- ем майдалаб таркатувчи техника
- пресслайдиган мослама
- культиваторлар
- сомон йиғувчи мосламалар
- плуг, айланма плуг,
- тракторлар
- дискили плуг
- бог ва ферма учун тракторлар
- юкловчи экскаватор, бульдозер
- гусеничли тракторлар
- картошка терадиган комбайн

Tel: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

● Реклама ва эълонлар ●

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

«SHAD SAVDO ZAMIN»

масъулияти чекланган жамияти

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан ФИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақсига асосан хатланган, «Мақсуд Мансур Мехри» фермер ҳўжалигига тегишли, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ худудида жойлашган, умумий майдони бир гектардан иборат бўлган иссиқхона.

Бошланғич баҳоси — 958 717 429 сўм.

2. Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан ФИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақсига асосан хатланган, «Шўхрат қурилиш транс сервис» МЧЖга тегишли бўлган, Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нахшбанд кўчасида жойлашган «Орзу» кўп қаватли уй-жой мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 3 203 990 928 (уч миллиард икки юз уч миллион тўққиз юз тўқсон миң тўққиз юз ишчира саккис) сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрда кўни соат 11.00 да, кўчмас мулклар мазкур санадаги қимматли савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 17 декабрда кўни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Ушбу очик аукцион савдосида қатнашиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси «SHAD SAVDO ZAMIN» масъулияти чекланган жамиятига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчисининг Бухоро шаҳар АТИБ «Ипотeka-банк» «Сардор» филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур кўчмас мулклар қўйидаги шарт асосида сотилад: харидор савдо ўтказилган санада суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad Savdo Zamin» МЧЖ.

Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65.

Лицензия RR-0048.

ООО «FOLGOIZOL KAFOLAT»

предлагает кровельные и гидроизоляционные материалы.

ФОЛЬГОИЗОЛ NUR-IZOL NUR-FLEX — изготовлено по новейшей технологии.

Предлагаем сотрудничество на выгодных условиях. Гарантируем качество и надежность.

Телефоны: (+99890) 175-65-00, (+99890) 982-75-96.

www.folgoizol.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

O'ZSANOATQURILISHBANK

ривожлантириш
яқунларига
бағишланган
мажлисида
таъкидлангани-



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда хал қилувчи куч сифатида намоён бўлаётди. Бу истиқлолнинг дастлабки йилларида бошлаб тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, соҳага кўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг юксак самарасидир, албатта. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий

дек, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик фаолияти йўлидаги маъмурий тўсиқларни қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилгани тўғрисида йил бошидан буён 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Натижада ушбу соҳада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 15,2 фоиз ўсиб, унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улуши 51,2 фоизгача кўпайгани, айниқса, кувонардир.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш

«Ўзсаноатқурилишбанк» эътиборидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланади

Таъкидлаш кераки, бундай ижобий кўрсаткичларга тадбиркорларнинг инвестициявий лойиҳалари молиявий жиҳатдан рағбатлантирилиб, замонавий корхоналар барпо этилиши, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниши ҳисобига эришиляпти. Ушбу жараёнда эса республикамиз тижорат банклари фаол қатнашиб, ишбилармонларнинг ҳақиқий молиявий мададкори бўлмоқдалар.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоасининг ушбу йўналишдаги самарали фаолиятдан, айниқса, мижозлар мамнун. Буни унинг кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйиб, даромад топаётган, иқтисодийимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларнинг дил изҳорларидан ҳам англаш мумкин.

Юртимизда кичик бизнес субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бу, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашдек ўта муҳим масалани ижобий ҳал этиш, ички бозорни импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан тўлдирishга хизмат қилаяпти. Бизнинг полипропилен қоплар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Poly Tex Sirdarya» масъулиятли чекланган жамиятимиз жамоаси ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётгани тўғрисида муайян ютуқларга эришмоқда.

Рағбат изланишга чорлайди

Маҳсулот сифатини янада яхшилаш, таннархини эса арзонлаштириш мақсадида изланиб, ишлаб чиқаришга замонавий илм-фан ютуқларини муҳасамалаштирган, илғор технологик линия олиб келиб ўрнатдик. Бунда доимий ҳамкоримиз бўлмиш «Ўзсаноатқурилишбанк» Сирдарё вилояти минтақавий филиалининг 400 миллион сўмлик имтиёзли кредити кўл келди. Пировардида ўнлаб киши иш билан таъминланди. Замонавий технологиялар бир маромда ишлаётгани боис тайёрланаётган маҳсулот ҳажми ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Дастлаб йилга 1,5-1,8 миллион дона полипропилен қоп ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични 2 миллион 400 донага етказиш кутиляпти.

Яна бир аниқлик. Ҳадемай, жамоамиз томонидан аҳолига парhez гўш етказиб бериш бошланади. Шу ўринда айтиш жоизки, паррандачиликни йўлга қўйишимизда ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё вилояти минтақавий филиали ёрдам қўлини чўзди.

Халқимизда «Тоққа чиққан чўққини кўзлар» деган нақл бор. Шу маънода, жамоамиз паррандачилик соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш ниятида. Бунинг учун шу йил охирига қадар қиймати 400 миллион сўмлик парранда маҳсулотларини қадоклайдиган замонавий линияни ишга тушираемиз. Бу кўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш, харидорлар сафини кенгайтириш имконини беради.

Кўриниб турибдики, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий кўмаги истиқболли лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилаяпти.

Дилшод АБДУРАХМАНОВ,
«Poly Tex Sirdarya» МЧЖ раҳбари.
Сирдарё вилояти

Кафолатли ва барқарор фаолият

Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, мазкур соҳанинг тараққиёти биз учун муҳим аҳамиятга эга эканини бот-бот таъкидлайдилар.

Чунки у бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига тез мослашувчан бўлиб, бир пайтнинг ўзида кўплаб янги иш жойлари яратиш имкониятига эга. Утган давр тажрибаси шундан далolat бермоқда. Давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларга зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш,

таъмир» масъулиятли чекланган жамияти ҳам барқарор ривожланаётди.

Жорий йилда металлни қайта ишлаш ва қайта ишлов беришга ихтисослаштирилган корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиққан эдик. У «Ўзсаноатқурилишбанк» Муборак филиалининг 100 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига молиялаштирилди. Натижада янги иш ўринлари яратилиб, кўшимча равишда 250 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

Табиики, мазкур ютуқлар билан чегараланиб қолмоқчи эмасмиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, даромадимизни ошириш ва янги иш ўринлари яратишда «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз ёрдамини аямаслигига ишонамиз.

Нарзулло ХАЛИЛОВ,
«Муборакнефгазмеханиктаъмир» МЧЖ раҳбари.
Қашқадарё вилояти

Улуғ мақсадларни дилга туққан халқимизнинг азму шижоати тўғрисида истиқлол йилларида иқтисодий-техник барча жаҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй бераяпти. Хусусан, кичик бизнес субъектлари эришаётган натижалар таҳсинга лойиқ.

Бу жараёнда, шубҳасиз, тадбиркорларнинг эзгу саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келаётган молия муассасалари

Банкимиздан миннатдормиз

хизматини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзимиздан қиёс: узок йиллардан буён «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд минтақавий филиали мижозимиз. Бу ахил, шижоатли жамоанинг мижозларга бўлган самимий муносабатидан дил қувонади. Таъбир жоиз бўлса, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шioriнинг амалий тасдиғи шу ерда кўзга яққол ташланади.

Энг муҳими, «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятдан миннатдоримиз. Масалан, бизнинг корхонамиз алюминий профиллар, замонавий эшик ва ромлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Яқинда фаолиятимизни янада ривожлантириш мақсадида банкнинг вилоят минтақавий филиалидан 200 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, уни мукамал технологларга асосланган

дастгоҳлар ва ҳам ашё сотиб олишга йўналтирдик. Бунинг самараси ўлароқ, ўндан зиёд иш ўринлари яратилиб, даромадимизга даромад қўшилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» билан ҳамкорликда бундан кейин ҳам эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида ҳаракат қилаверамиз.

Бахтиёр ХЎЖАҚУЛОВ,
«Пастдаргом курилли сервис» МЧЖ раҳбари.
Самарқанд вилояти

Реклама ўрнида

Фармацевтика саноати ҳақида сўз кетганда, кўз олдимизга, аввало, хорининг дунёга машур компания ва фирмалари ёрлиғи туширилган дори-дармон воситалари келади.

Қулай ишбилармонлик муҳити

Сўнгги йилларда эса инсон соғлиғи учун зарур бўлган сифатли дори-дармонларни Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, импорт ҳажми тобора камайиб бораётгани диққатга сазовор.

Бунда Зангиота туманида жойлашган бизнинг «SAMO» масъулиятли чекланган жамиятимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Корхонамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳамизни молиялаштиришни сўраб «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиалига мурожаат қилган эдик. Мурожаатимиз ижобий ҳал этилиб, тез орада имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунга келиб эса ушбу сармоя ўзини тўлиқ оқлади.

Гап шундаки, ҳозирги кунда корхонамизда тайёрланаётган дори воситалари 25 хилдан ошган бўлса, йилига 5781,8 минг дона дори-дармонни қадоклаш қувватига эга муассасамизнинг ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар кўпайди. Харидорларга «Диабазол», «Кальций глюконат», «Антигриппин», «Гальманин», «Парацетамол», «Стрептоцид», «Аскорбин кислотаси», «Нощ-SAMO», «Палазол», «Диазолин», «Цитрамон», «Фурацилин» ва бошқа турдаги дори воситалари етказиб берилмоқда.

Маҳаллийлаштириш кўлимини кенгайтириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, кўшимча иш ўринлари яратишни олдимизга устувор вазифа қилиб қўйганимиз. Зеро, юртимизда мавжуд қулай ишбилармонлик муҳити биз, тадбиркорларни бундан-да юксак марралар сари рўҳлантирмоқда.

Бахтиёр ЮНУСОВ,
«SAMO» МЧЖ раҳбари.
Тошкент вилояти

КОНСТИТУЦИЯ —

МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

«Хар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасидан.

Эл-юрт ардоғидамиз

Инсон ҳаётида қувончли воқеалар, сурурга тўла онлар кўп бўлади. Масалан, кимдир биринчи фарзанди дунёга келганида, бошқа биров институтни тамомлаганида, яна кимдир илк маошини кўлига олганида ўзини жуда бахтиёр ҳис қилади, шодлиғи ичига сиғмайди.

Орта қолган кунларни кўз олдимизга, келтирар эканман, истиқлолнинг йигирма икки йиллини умримизнинг энг завқли, қувончли дамлари, дея эътироф этишим келади. Чунки биз мустақиллик тўғрисида кадр топдик, роҳат-фароғатга, фаровонликка эришдик, турмушимизга фазл, хондонларимизга барака кирди. Фарзандларимиз, невароу чеварларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлди. Энг муҳими, ҳуқуқ ва манфаатларимиз ҳимояси юксак даражага кўтарилди. Бир кун неварам: «Бобожон, Конституциямизда сизнинг ҳуқуқларингиз ҳақида ҳам алоҳида модда бор», деб қолди. Буни билардим, неварам бу орқали давлатимизнинг биз, кексаларга бўлган эътиборини яна бир бор ёдимга солди. Олдин ким эдигу энди ким бўлди?! Шундай кунларга етказганига шукр.

Бугун юртдошларимиз эзгу ишлар билан машғул. Қалбда бунёдкорлик завқи, яратувчанлик иштиёқи. Ҳаммаёқда ободлик, саришталик. Кишлоқларимизни қаранг.



Кундан-кунга чирой очиб бораёпти. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни айтмайсизми. Уларни кўриб, ҳар қандай одамнинг баҳридили очилади. Ёш авлод камолоти йўлидаги ислохотлар-чи... Бундан 22 йил олдин бундай дорилармон кунлар ҳақида ҳатто тасаввур ҳам қила олмадик.

Худди шундай, биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибор, иззат-қиромнинг ҳам чек-чегараси йўқ. Ўзим мисолима айтай. Ҳамisha маҳалла-кўй ардоғидамиз. Узок-яқиндан келиб йўқловчилар кўп. Давраларнинг тўрига ўтқишида, барака топгулар. Пенсиямиз мутасил ошиб бораёпти. Саломатлигимиз ҳам доимий назоратда. Ҳар йили сиҳаттоҳларга йўлланмалар берилаяпти. «Нуруний» давраларимиз ташаббуси билан тарихий шаҳарлар ҳамда муқаддас қадимжоларга саёҳат ва зиёратлар ташкил этилапти. Турли байрамларда уйимиз совға-саломларга тўлиб кетади. Ҳўш, тинч ва осуда, овоз ва обод юртда кексалик гаштини сураётган инсон учун давлатимизнинг биз, кексаларга бўлган эътиборини яна бир бор ёдимга солди. Олдин ким эдигу энди ким бўлди?! Шундай кунларга етказганига шукр.

Ўроз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
меҳнат фахрийси.
Қарши шаҳри

and H Industry Construction Equipment & Service

Иностранное предприятие ООО «С and H Industry» предлагает

ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.

Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-87.
E-mail: uzvolvo@gmail.com

EKF electrotechnica www.elektrotovar.uz

ООО «MEGA-ELECTRO» — эксклюзивный дистрибьютор компании EKF в Узбекистане

- Выключатели автоматические, устройства защитного отключения, выключатели нагрузки, устройства защиты от импульсных перенапряжений, таймеры (различное дополнительное оборудование)
- Силовые автоматические выключатели (с электроприводом и без, номенклатурный ряд до 5 000 А)
- Контактры (контакты, пускатели, автоматы пуска двигателя)
- Аппаратура измерения (трансформаторы тока) и аппаратура управления (реле контроля фаз, реле промежуточное, кнопки управления, переключатели кулачковые)
- Стабилизаторы напряжения и распределительные устройства
- Силовая аппаратура (предохранители плавкие, выключатели-разъединители, разъёмы силовые)
- Корпуса электрошитов и монтажное распределительное оборудование
- Изоляторы высоковольтные
- Электроустановочные изделия и удлинители
- Светотехнические изделия и автоматизация систем освещения
- Частотные преобразователи
- Приводная техника (редукторы, мотор-редукторы, сервоприводы)

ОПТОМ И В РОЗНИЦУ

Тел: (99871) 150-18-81. Факс: (99871) 216-77-74. E-mail: marketing.me@mail.ru, info@megaelectro.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.40

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Набатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

Топширилди — 23.50